

Барака кексалар билан биргадир

15:49 / 22.04.2017 3469

Мустақил диёримизда 1997 йилдан бери ҳар бир йилга жамият ҳаётининг алоҳида соҳаларида ислохотларни амалга ошириш мақсадида ном берилиб келинади[1]. Жорий йилнинг 5 декабр, жума куни Тошкентдаги “Ўзбекистон” Халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистон Конституциясининг 22 йиллигига бағишланган тантанали тадбир ўтказилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 2014 йил сарҳисоби тўғрисида нутқ сўзлади. Шунингдек, 2015 йилнинг номини ҳам эълон қилди. Президент ташаббуси билан 2015 йил **“Кексаларни эъзозлаш йили”** деб эълон қилинди.

Кекса ва ёши улуғларнинг мартабаси: Мусаффо динимизда кекса ва ёши улуғларнинг мартабалари аввало Аллоҳ таолонинг ҳузурида, қолаверса, жамият олдида олийдир. Зеро, ёши улуғ зотлар дейилганида кўз олдимизга аввало сизу-бизнинг дунёга келишимизга сабаб бўлган мушфиқ ота-оналаримиз келади. Чунки, уларнинг сочлари бизнинг ғамимизда оқарган, нурли юзларига биз сабаб ажин тушган, нурафшон кўзларининг нури бизнинг йўлимизда сарф бўлган Зотлардир.

Муборак ҳадиси шарифда келтирилишича:

يَفْوَمُ كَرْبَاكَ أَعْمُ رِيخَلَا: لِقَاقِ هُنَّ لَوْسِرْلَا نَعَامِ هُنَّ هَلَلَا يَضُرُّ سَابِعَ نَبَا نَعَابِحَ نَبَا هَجْرًا مَكْرَبَاكَ أَعْمُ كَرْبَلَا: **ئەي ئاۋر**

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан нақл қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **“Яхшилик (бошқа ривоятида: барака) катталарингиз билан биргадир”**. *Ибн Ҳиббон ривояти.*

Шунинг учун ҳам кекса бор хонадон баракали, нурли бўлади.

Бошқа бир ҳадиси шарифда эса:

اولَاقِ مَكْرِيخَبِ مَكْتَبِنَا اَلَا: لِقَاقِ هَلَلَا لَوْسِرْنَا هُنَّ هَلَلَا يَضُرُّ رِيْرَهْ وَبَا يَوْرُو (ئاۋر) **اَلَا اَمْعَا مَكْنَسْحَا وَا اَرَامْعَا مَكْلُوْطَا مَكْرَايَخِ لِقَاقِ هَلَلَا لَوْسِرَايِ مَعْنَا** (مَكْحَالَا)

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Сизларга яхшиларингиз ким эканини**

билдирайми?”,-деганларида, “Ҳа, эй, Аллоҳнинг Расули!”,-дедилар. “Сизларнинг яхшиларингиз - ёши улуғларингиз ва амаллари гўзалроғингиздир”, - дедилар. *Ҳоким ривояти.*

Кекса ва ёши улуғларни икром қилиш Аллоҳни улуғлашдир: Мусулмонлар ўзларининг гўзал сифатлари билан ажралиб туришади. Ёши улуғларни ҳурмат қилиш шулар жумласидандир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ёш жиҳатидан катталарни ҳурматлаш ва улуғлашга кўп бора чорлаганлар. Доно халқимиз бежизга катталарга ҳурматда, ёшларга иззатда бўлишга чақирмаган. Сиз ва бизнинг дуогўйларимиз бўлмиш кекса ва ёши улуғларни ҳурмат қилиш ва эъзозлаш ҳар биримизнинг бурчимиз ва динимиз одобларидандир. Чунки, қариялар биз босиб ўтмаган давонлар борасида тажрибага эга бўлишади ҳамда ақллари ва одоб - ахлоқлари камолотга етиб, ёшлик-бебошликнинг бефойда қизиқишлари, тезлик ва шошқалоқликлари тўхтаган бўлади. Ёши улуғлар билан кўпроқ суҳбатда бўлганларда виқор ва босиқлик ҳамда ҳамма нарсага ақл билан ёндошиш каби хислатлар шаклланади. Ёшларнинг ёши улуғларга салом бериши ёки автобусда жой беришидан тортиб, сиёсий эътибордан уларга давлат тарафидан ойлик нафақалар ажратилиши уларни ҳурмат қилиш ва эъзозлашдир.

فرعِي و انريغص محري مل نم : لاق هلل لوسر نأ هنع هلل يضر ةري ره ي ب أ ن ع
(درف مل ب دأ ل ي ف ي راخ ب ل ل ه اور) انم س ي ل ف انري ب ك ق ح

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **“Кичикларимизга раҳм қилмаган ва катталаримизнинг ҳақларини билмаганлар биздан эмас”**. Бухорий *“Адабул-муфрад”* китобида ривоят қилган.

Ҳадисдаги **“...биздан эмас”**, -деб айтилган жумлани уламолар “катта гуноҳ” маъносида, дейишади. Демак, ёши улуғларнинг ҳақларини пой-мол қилганлар улкан гуноҳ қилган бўлишади.

Бошқа ҳадисда эса бу ҳақида шундай дейилади:

ال احيش باش مركزاً ام لاق هنع لوسر ل نع امهنع هلل يضر سابع ن ب ا ن ع و
ي ذمرت ل ه اور همركي نم هنع دن هل هلل يضر

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қилганлар: **“Қайси ёш киши кексани икром қилса, у ёш кишига Аллоҳ таоло кексанинг ёшига етганида уни икром қиладиган кишини тақдир қилади”**. Термизий ривояти.

Уламоларимиз ушбу ҳадиснинг шарҳида кексаларни ҳурмат қилган кишининг ҳам умри узайиб, у ҳам кексалик ёшига етиш шарафига муяссар бўлади, дейишади.

Зайнул Обидин ёши улуғларнинг ҳақлари ҳақида шундай дейди: “Дарҳақиқат, кексаларни ёши сабабли улуғлаш, Исломни биздан олдин билган ва таниганлари учун ҳурмат қилиш, тортишмаслик, тик қарамаслик, олдинда юрмаслик, жоҳил, яъни, илмсиз деб ҳисобламаслик, баъзи ҳолларда жоҳиллик қилсалар уни кўтариш ва Ислом ҳаққи-ҳурмати уларни икром қилиш уларнинг ҳақларидандир”.

لَا إِفَاحُ قِيَابَ أَيَّابٍ رُكَبَ وَبَأْءِاجٍ لِقَ هُنَا هِنَا هَلَلِ يَضُرُّ سَنَأُ نَع
هُغَضَوُ يَّتَحُ هُجْمَحِيَّ كَمَحْتَفَمَّوِي مَلَسَوِ هَيَلَعُ هَلَلِ يَلَصُ هَلَلِ لُؤْسَر
يَلَصُ هَلَلِ لُؤْسَرٍ لِقَاقَ فَمَلَسَوِ هَيَلَعُ هَلَلِ يَلَصُ هَلَلِ لُؤْسَرٍ يَدَيَّ نَب
هُنَّيَّ تَأَلَّوْتَيَّ بِي خَيَّ شَلَّ تَرَزُقًا وَرُكَبَ يَبَأَلَّ مَلَسَوِ هَيَلَعُ هَلَلِ
(دمحأ هاور)

Анас розияллоҳу анҳудан нақл қилинади: “Абу Бакр розияллоҳу анҳу Макка фатҳ қилинган куни отаси Абу Қуҳофани кўтариб келди ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига қўйди. Шунда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакрга: “Қарияни уйларида қолдирганингизда уни олдига ўзимиз борардик”, -дедилар”. Имом Аҳмад ривояти.

هو ماركأف موق ري بك مكاتأ اذا: لاق هلال لوسر نأ ل ب ج ن ب ذاعم ن ع

Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳудан ривояти қилинади: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: “Сизларнинг олдингизга бир қавмнинг каттаси келса уни икром қилинглр”. Табароний ривояти.

Яна бир ҳадисда эса:

...م ل س م ل ا ة ب ي ش ل ا ي ذ م ا ر ك ا ل ل ل ا ل ج ا ن م : ل ا ق ي ر ع ش ا ل ا ي س و م ي ب ا ن ع

Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Сочига оқ тушган мусулмонни икром қилиш Аллоҳни улуғлашдандир”. Табароний ривояти.

م ي ه ا ر ب ا ن ا ك : ل ا ق ه ن ا ه ل ل ا ه م ح ر ب ي س م ل ا ن ب د ي ع س ن ع ا ط و م ل ا ي ف و
ل و ا و ، ن ت خ ا س ا ن ل ل و ا و ، ف ي ض ل ا ف ي ض س ا ن ل ل و ا م ا ل س ل ا ه ي ل ع
ل ا ق ف ؟ ا ذ ه ا م ب ر ا ي : ل ا ق ف ب ي ش ل ا ي ا ر س ا ن ل ل و ا و ، ب ر ا ش ل ا ص ق س ا ن ل ل

آراقو یندر برای: لاقف، میهاربای ای راقو: یلاع و کرابت ه لالا

Муваатто китобида Саид ибн Мусайяб раҳматуллоҳи алайҳдан шундай ривоят келтирилади: “Иброҳим алайҳиссалом энг аввал меҳмон қилган, энг аввал хатна қилинган, энг аввал мўйловини қисқартирган, энг аввал сочига оқ тушган одам эдилар. Шунда: “Эй, Раббим! Бу (яъни, сочдаги оқ) нима”,- дедилар. Аллоҳ таоло: “Виқор, ё, Иброҳим!”,-деди. “Иброҳим алайҳиссалом: “Раббим! Менга виқорни зиёда қил”,-дедилар.

Ота-онанинг қадрдонларини эъзозлаш: Ота-онамиз ёши улуғлар ичида юқорида келтирилган икром ва одобларга энг лойиқ ва ҳақлироғидирлар. Зеро, уларнинг мартабаси ва ҳурматини Аллоҳ таолони Ўзи белгилаб берган. Ҳатто, ота-онамиз севган ва қадрдон тутган инсонларни севиш ва икром қилиш ота-онамизни икром қилишдандир. Бу ҳақида шундай дейилади

لجلال ءلص ربالا ربأ ن م ن: لاق ه لالا لوسر نأ امه ن ع ه لالا ي ضر رم ع ن ب ن ع
ه ب أ ءو ل ه أ

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан шундай нақл қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **“Дарҳақиқат, яхши ишларнинг энг яхшиси киши отасининг қадрдонлари билан алоқаларни боғлашидир”**. Муслим ривояти.

Аллоҳ ҳаммамизга ота-оналаримиз, уларнинг қадрдонлари, кекса ва ёши улуғларимизни мартабасини билиш, уларни икром қилиш каби яхши амалларда кўмакичи бўлсин. Улар сабаб устимизда турган баракани кўтармасин!

Жаҳонгир УБАЙДУЛЛОҲ,

Тошкент шаҳар Олмазор тумани

“Аҳмаджон қори” жоме масжиди имом ноиби

[1] 1997 йил “Инсон манфаатлари йили” деб эълон қилинган бўлса, XXI асргача бўлган йиллар “Оила йили” (1998), “Аёллар йили” (1999), “Соғлом авлод йили” (2000) деб эълон қилинган. 2001 йил “Оналар ва

болалар йили”, 2002 йил “Қарияларни қадрлаш йили”, 2003 йил “Обод маҳалла йили”, 2004 йил “Меҳр-мурувват йили”, 2005 йил “Сиҳат-саломатлик йили”, 2006 йил “Ҳомийлар ва шифокорлар йили”, 2007 йил “Ижтимоий ҳимоя йили”, 2008 йил “Ёшлар йили”, 2009 йил “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”, 2010 йил “Баркамол авлод йили”, 2011 йил “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”, 2012 йил “Мустаҳкам оила йили”, 2013 йил эса “Обод турмуш йили” деб эълон қилинган эди.